

## ТРАВМАТОЛОГИК ОПЕРАЦИЯЛАРДА УНИЛАТЕРАЛ АНЕСТЕЗИЯ

Усмонова Нигинабону Усмоновна

Усмонов Амирбек Усмонович

Олтиев Усмон Бебитович

*Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази*

Бухоро вилоят кўп тармоли тиббиёт марказининг травматология бўлимида охириг 2 йил давомида 1150 та операциялар аnestезия остида бажарилган. Шундан 450 та bemорда орқа мия аnestезияси кўлланилган. Аnestезия ўтказилган bemорларнинг ёши 38 дан 90 гача бўлиб шулардан 38% аёллар, 62% эркаклар ташкил қиласди.

Беморларнинг 157 таси (34,8 %) 60 ёшдан ошган bemорлар бўл иб шулардан:

60-74 ёшлилар (қария) 94 та.

75-89 ёшдагилар (кеекса) 58 та.

90 ёш ва ундан ошганлар (узоқ умр кўрувчи) 5 та bemорлар бўлиб буларнинг кўпчилигида битта ёки иккита ёндош касалликлар мавжуд, яни: шуларнинг 60 тасида (38,1%) юрак ишемик касаллиги, 32 тасида (20,3%) юрак ритмининг бузилиши, 64 тасида (40,7%) гипертония касаллиги, 10 тасида (6,3%) ўпканинг сурункали обструктив касаллиги. Шу жумладан bemорларнинг 26 тасида (16,5%) икки ва ундан ортиқ ёндош касалликлар аникланди.

Катта травматологик операция жараенида унилатерал аnestезияни кўллаб, хавфли гурухдаги bemорларда аnestезиологик хавфни сезиларли даражада пасайтиришга эришилди.

Унилатерал аnestезия остида бажарилган асосий операциялар сон суюгига ва сон суюгининг бўйинча қисмида, болдири суюгига ўтказиладиган БИОС, чанок сон бугимида эндопротезлаш операциялари, оёқнинг тўлиқ ҳамда панжа соҳасида бажариладиган операциялардир.

Аnestезияга тайёрлаш: УОА ўтказишда 30-40 минут олдин премедикация (сибазон (0,2-0,5 мг/кг), демидрол, атропин, диклофенак (0,6-0,7 мг/кг) қилинилади. Аnestезия ўтказиш вақтигacha 15-20 минут давомида томир ичига 10-15мл/кг кристаллиод суюқликлар томчилаб юборилади.

Ўтказиш техникаси: Аnestезия ўтказиш учун қулай ҳолат танланади (ўтирган ёки ётган ҳолатда бош ва оёқлар максимал букилган вазиятда). Пункция қилиш оператив соҳага қараб L3-L4 бел умуртқаларида (сон ўрта учлигида, болдири, товоң соҳаларида), L2-L3 бел умуртқаларида (сон чаноқ соҳасида) танланади ва шу соҳада пункция қилинади. Амалиёт жараёни орқа мия суюқлиги сизиб чиқиши билан баҳоланади, ҳамда маҳаллий аnestетиклар (бутивакайн ёки суперкаин тана массаси ҳисобида) шу

бўшлиққа юборилади ва бемор амалиёт бажариладиган соҳада ёнбош ётқизилади.  
5-15 минут оралиғида амалиёт бажариладиган соҳада анестезия чақирилади.

Бу анестезияни традицион ОМА фарқи :

Гемодинамика кўрсаткичлари стабил туриши

Анестезиянинг давомийлиги узоқлиги

Кўрсатмаси кенглиги

Қарияларда (енгил қон айланиш бузилиши ва гиповалимия ҳолат бўлган  
беморларда) қўллаш имконияти борлиги

Ножӯя таъсирлари камлиги

Қария ва кекса ёшли bemорларда операция жараёнида ўтказиладиган  
анестезияларда юқори анестезиологик хавфнинг бўлишини инобатга олган холда,  
бундай тоифадаги bemорлар учун унилатерал анестезия қулай ва хавфсиз деган  
хуносага келдик.